

**“МАҲАЛЛА ВА ОИЛА” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.21/30.10.2020.Ped/S.127.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ҚОДИРОВ АЛИШЕР КЕЛДИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

13.00.09 – Ижтимоий педагогика

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on Pedagogical Sciences**

Қодиров Алишер Келдиевич

Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишнинг
ижтимоий педагогик технологиялари.....3

Кади́ров Алише́р Келди́евич

Социально-педагогические технологии повышения эффективности духовно-
просветительской работы в Узбекистане.....25

Kadirov Alisher Keldievich

Socio-pedagogical technologies for increasing the efficiency of spiritual and
educational work in Uzbekistan.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works54

**“МАҲАЛЛА ВА ОИЛА” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.21/30.10.2020.Ped/S.127.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ҚОДИРОВ АЛИШЕР КЕЛДИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

13.00.09 – Ижтимоий педагогика

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.Phd/Ped403 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика Маънавият ва маърифат марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.moiti.uz) ва "Ziyonet" ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Куронов Мухаммаджон Куронович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исмаилова Зухра Карабаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Бекмуродов Мансур Бобомуродович
социология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:


Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси "Маҳалла ва оила" илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD.21/30.10.2020.Ped/S.127.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 10 сентябр соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Истиклол кўчаси, 51-уй. Тел.: (71) 267-05-36, факс: (71) 267-03-92, e-mail: mvaoiti@exat.uz, mvaoiti@gmail.com; веб-саҳифа: www.moiti.uz.

Диссертация билан "Маҳалла ва оила" илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (7 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Истиклол кўчаси, 51-уй. Тел.: (71) 267-05-36, факс: (71) 267-03-92, e-mail: mvaoiti@exat.uz, mvaoiti@gmail.com; веб-саҳифа: www.moiti.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил 7 сентябр да таркатилди.

(2022 йил 6 сентябр даги 1-рақамли реестр баённомаси).



Н.М. Эгамбердиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

Х.У. Абдусаматов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ш.М. Содиқова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, социология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш йўлидаги изланишлар соф инсоний муносабатларнинг квинтэссенцияси сифатида талқин қилинади. Маънавий ҳодисасининг ижтимоий-педагогик моҳияти инсон камолотини таъминлаш ва одамларни яхшилик йўлида бирлаштиришда намоён бўлади. Маънавий омили гуманистик мақсадларга эришиш учун ҳам рационал, ҳам иррационал асосларга таянади. Техникавий тараққиёт натижасида жамиятда содир бўлаётган технократик жараёнлар ва бошқа ҳодисалар инсоннинг рухий-маънавий камолотига таъсир қилиши мумкин бўлган салбий омилларни мўтадиллаштириш маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада оширишни кун тартибига қўймоқда.

Дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказларида ёшларни маънавий тарбиялаш фалсафаси, методологик ва услубий асосларини такомиллаштириш, уни объектив баҳолашнинг мезон ва даражаларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, тарғибот турларининг моҳиятини “ҳаётни акс эттириш”, “бунёдкорлик”, “билим бериш”, “баҳолаш”, “мафкура”, “ўзликни ифодалаш”, “мулоқот”, “қадриятлар тили” каби концепцияларнинг методологик таҳлили, санъат турлари моҳиятини дефинициялаш, ёшларнинг мафкуравий соғломлик даражасини ошириш муаммоларини ўз ичига олиб, ёшларни маънавий тарбиялашнинг янги моделларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш заруратини илгари сурмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган ташаббуслар асосида қабул қилинган “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”¹ги Фармонининг тўртинчи бўлими “Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш” деб номланади. Ўзида 34 та мақсадни бирлаштирган, бевосита маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқишга қаратилган мазкур бўлим ёшларни маънавий-ахлоқий, жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, халқимиз маънавияти, миллий қадриятларининг тарғиботи учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, ғоявий-эстетик тарбиялашнинг ижтимоий педагогик технологияларидан самарали фойдаланиш имкониятларини очиб бермоқда. Дастурда руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялашнинг устувор вазифалари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги” ЎРҚ-406-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сон, 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизimini сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>.

ПҚ-3907-сон ҳамда 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040-сон қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш”нинг устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маънавият ва маърифатнинг ўзига хос хусусиятлари, мазмун, шакл ва тарбиявий имкониятларига қизиқиш қадимдан мавжуд. Жумладан, инсон маънавияти, жамиятнинг маънавий қиёфаси ҳақидаги фикрлар қадимги юнон файласуфлари Сукрот, Афлотун, Арасту² ва бошқалар, Шарқда Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Ҳомид Ғаззолий, Закариё ар-Розий, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур³ ва бошқа алломаларимиз асарларида мазкур масала атрофлича тадқиқ этилган.

Хорижий олимлардан В.Гегель, И.Кант, М.Шелер, Э.Фромм, З.Фрейд⁴ ва бошқаларнинг асарларида инсоний муносабатларни яхшилаш имкониятлари тадқиқот объектдан келиб чиққан ҳолда ёритилган. МДХ мамлакатлари педагог, психолог, социолог олимлари – Н.С.Кузанский, Б.Н.Попов, Н.И.Губанов, В.Н.Соколова, Э.Гоффман, В.Г.Властовский⁵ ва бошқаларнинг назарий ишланмалари мавжуд. Глобаллашув, “оммавий маданият”нинг ёшлар маънавиятига таъсири хорижлик олимлар Ортега-и-Гассет, Е.П.Смольская, Д.Белл, П.Дж.Бьюкенен, В.И.Заяц, А.Я.Флиер, Т.А.Фетисова, В.П.Руднев, В.П.Шестаков, К.Т.Теплиц, Е.Н.Шагинская, О.Хаксли⁶ ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

² Аристотель. Сочинения в 4-х томах. Т.2. – Москва: Мысль, 1978. – С. 704; Бекон Ф. Сочинения в двух томах. Т.2. – Москва: Мысль, 1978. – С. 482; Бёме Я. Сорок вопросов о душе. – Москва: София, 2004. – С. 108; Беседы Эпиктета. – Москва: Ладомир, 1997. – С. 312; Платон. Сочинения в трех томах. Т. 2. – Москва: Мысль, 1970. – С. 608.

³ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Халқ мероси, 1993. – Б. 83; Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат-ул Қулуб (Қалблар кашфиёти) – Тошкент: Адолат, 2002. – Б. 98; Ибн Сино. Тиб қонунлари. – Тошкент: 1978. – 154 б; Абу Райҳон Беруний. Асарлар. – Тошкент. “Ғафур Ғулом” нашриёти, 1996. – 275 б; Ар-Рази. Духовная медицина. – Москва: 1992. – С. 64; Жалолиддин Румий. Маснавий маънавий. – Тошкент: “Nilol-nashr” нашриёт-матбааси, 2021. – Б. 256; Навоий А. Хамса. – Тошкент: “Ғафур Ғулом” нашриёти, 1989. – 244 б; Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Учинчи том. Сабъаи сайёр. – Тошкент: ЎзРФА “Фан” нашриёти, 1992. – Б. 165.

⁴ Гегель. Философия религии в двух томах. Т.1. – Москва: Мысль, 1976. – С. 404; Ницше Ф. Собрание сочинения. Т. 2. – Москва: Мысль, 1996. – С. 604; Кон И. Дружба. Этико-психологический очерк. – Москва: Политиздат, 1980. – С. 256; Вейлинггер О. Пол и характер. – Ростов-на-Дону: Феникс, 1998. – С. 608; Лейбниц Г.В. Сочинения в 4-х томах. Т. 4. – Москва: Мысль, 1989. – С. 508; Маркузе Г. Эрос и цивилизация. – Москва: АСТ, 2002. – С. 528.

⁵ Кузанский Н. Сочинения в двух томах. Т.2. – Москва: Мысль, 1980. – С. 388; Попов Б.Н. Взаимосвязь категорий счастья и смысла жизни. – Москва: Наука, 1986. – С. 85.

⁶ Ортега-и-Гассет Х. Избранные труды. – Москва: Весь мир, 2000. – ISBN 5-7777-0116-7. – С. 157-186; Смоленская Е.П. Массовая культура: развлечение или политика? – Москва: Мысль, 1986. – С. 146; Белл Д. Социальные рамки информационного общества // Новая технократическая волна на Западе. – Москва:

Ўзбекистон педагог олимлари О.Мусурмонова, М.Қуронов, Н.Эгамбердиева, М.Абдужаббарова, З.Азимова, Е.Балабеков, Х.Ибрагимов, М.Исмоилова, Д.Кенжаева, Ҳ.Нурматов, У.Маҳкамов, С.Нишонова, Ш.Раёмов, С.Романова, Д.Рўзиева, Н.Саидахмедов, Б.Умаров, С.Файзуллина, Қ.Қуронбоев, С.Юлдашева, З.Қосимова, Г.Махмутова, Б.Шермуҳаммадов, Н.Шодиев, Ш.Қурбонов, А.Ҳасанов, Х.Шайхова, А.Ҳусейнова, Ҳ.Ҳомидов, З.Салиева⁷ ва бошқаларнинг тадқиқотларида ёшларни миллий, маънавий, ахлоқий тарбиялаш ҳамда ижтимоий педагогик технологияларнинг турли масалалари тадқиқ қилинган.

Ёшларда миллий маънавиятга бўлган эҳтиёжни шакллантириш ўзида мустаҳкам эътиқод ва кадриятлар уйғунлигини мужассам қилган шахс тарбиясининг энг муҳим омилларидан бирidir. Юқорида қайд қилинган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда, олий таълим муассасаларининг маънавий-маърифий тадбирларида ёшларни маънавий тарбиялаш технологияларини такомиллаштиришни педагогик муаммо сифатида тадқиқ этиш долзарб эҳтиёжга айланди.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика Маънавият ва маърифат маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-4-108-рақамли “Ёшларда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини таъминлаш: муаммо ва вазифалар” мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади глобаллашув шароитида маънавий-маърифий ишларда ёшларни маънавий тарбиялаш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

глобаллашув шароитида “оммавий маданият” ва унинг турларига қарши кураш технологияларини ривожлантириш масалаларини асослаб бериш;

маънавий таҳдидларга қарши курашнинг субъектлари сифатида мужассамлашган “Ғоявий баркамол ёшлар модели”ни ишлаб чиқиш;

маънавий-маърифий тадбирларда ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни замонавий технологиялар талаблари асосида такомиллаштириш;

маънавий-маърифий тадбирлар иштирокчиларининг мафкуравий салоҳиятини ошириш йўллариини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республиканинг туман ва шаҳарлари маънавият ва маърифат бўлинмалари фаолиятида ёшлар маърифатини юксалтириш жараёни белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини глобаллашув шароитида туман ва шаҳарлар маънавият ва маърифат бўлинмалари фаолиятида ёшлар маърифатини юксалтиришнинг шакл, восита ва методлари ташкил этади.

Прогресс, 1986. – С. 330-342; Патрик Бьюкенен. Самоубийство сверхдержавы (Suicide of a Superpower: Will America Survive to 2025?) – АСТ, 2016. – С. 640; Флиер Андрей Яковлевич. Структура и динамика культурогенетических процессов: Автореф. ... дис. филос. наук: 17.00.08. – Москва, 1995. – С. 34; Олдос Хаксли: эволюция творчества: монография. – 3-е изд., стер. – Москва: Флинта, 2017. – С. 448.

⁷ Қуронов М. Миллий тарбия. – Тошкент: “Маънавият”, 2007; Мусурманова О. Оила – жамият таянчи. Монография. – Тошкент: Yoshlar nashriyot uyi, 2019. – 252 б; Шайхова Х. Маънавият камолот кўзгуси. Сайланма. – Тошкент: “Ғ.Ғулом” нашриёти, 2009. – 102 б; Қаюмов А. Нодир саҳифалар. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 1991. – 54 б; А.Ҳусейнова. Шарқ мутафаккирлари дунёқарашида умуминсоний кадриятлар. – Тошкент, 2017. – 46 б; Ҳомидов Ҳ. Қирқ беш аллома ҳикояти. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 1995. – 55 б.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида ёшларнинг маънавий қарашларини ўрганиш, оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш жараёнларини кузатиш, суҳбат, интервью, натижаларни ўрганиш ва умумлаштириш, ижтимоий-педагогик эксперимент, ретроспектив таҳлил ҳамда математик-статистик методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёшларда меҳнатга ижобий муносабатни, назарий билимларни амалиётда қўллаш истагини ҳамда ижодий меҳнатга бўлган эҳтиёжини миллий қадриятларга мувофиқ ривожлантириш, бурч, масъулият, мақсадга йўналганлик, ҳалоллик туйғуларини, меҳнатсеварлик ва меҳнатга бўлган эҳтиёжни тарбиялаш каби ижтимоий-педагогик технологиялар мафкуравий харита асосида такомиллаштирилган;

ёшларни маънавий тарбиялашнинг методик талаблари асосида миллий ғоя руҳи сингдирилган тадбирларни ташкил этиш ҳамда тарбия жараёнини амалга оширишга қаратилган педагогик фаолият, таълим майдони, педагогнинг касбий маҳорати, таълим муассасаси тузилмаси каби компонентлар аниқлаштирилган;

маънавий-маърифий ишларнинг педагогик (таъсирчан, ёрқин таассурот, қизиқтириш) ҳамда ижтимоий шартлар тизими (таълим муассасаларида қўшимча таълим соҳасига маънавий-ахлоқий мазмунни жорий этиш, жамоат бирлашмаларининг ёшлар билан ишлаши, таълим муассасаларининг маданият, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги) инфотейнмент моделлаштириш асосида такомиллаштирилган;

маънавий-маърифий фаолиятни ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик йўналишлари (уйғунлик, тизимлилик, масъулият, мувофиқлаштириш) мазмунига устуворлик бериш, шунингдек, ёшлардаги ижтимоий фаоллик сифатини оширишга қаратилган маҳорат дарслари, ижодий семинарлар, оналар конференциялари, мавзуга оид консультациялар, сайёр қабуллар, очиқ мулоқотлар ташкил этилиши орқали янада такомиллаштирилиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

маънавий-маърифий ишлар жараёнида “оммавий маданият”га қарши курашнинг педагогик таъминоти технологик такомиллаштирилган;

маънавий-маърифий тадбирларда ёшларни маънавий тарбиялаш жараёнининг методик талаблари бойитилган;

тадбирлар қатнашчиларининг мафкуравий салоҳиятини оширишга қаратилган тарғибот жараёнининг модели ишлаб чиқилган;

ёшларнинг маънавий-маърифий жараёнларда ижтимоий фаоллигини ошириш йўллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, тадқиқот доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлари воситасида асослангани, хулоса, тақлиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республика туман, шаҳарлари маънавият ва маърифат бўлинмалари фаолиятида ёшлар маърифатини юксалтиришга

қаратилган маърифий фаолиятнинг “оммавий маданият”га қарши курашининг педагогик таъминоти, тадбирлар иштирокчиларининг маънавий таҳдидларга қарши курашга қаратилган “Ғоявий баркамол ёшларнинг фазилатлари” талаблари мажмуи, ёшларни маънавий тарбиялаш жараёнининг методик талаблари бойитилгани, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган маънавий тарбия жараёнининг модели таклиф этилгани, ушбу моделнинг педагогик-психологик асослари, уни амалиётда қўллашнинг қулай шарт-шароитлари ҳамда ишлаб чиқилган таклифлардан фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Глобаллашув шароитида туман ва шаҳарлар маънавият ва маърифат бўлинмалари фаолиятида ёшлар маърифатини юксалтириш технологияларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ёшларда меҳнатга ижобий муносабатни шакллантириш, назарий билимларни амалиётда қўллаш истагини ҳамда ижодий меҳнатга бўлган эҳтиёжини ривожлантириш, бурч, масъулият, мақсадга йўналганлик, ҳалоллик туйғуларини, меҳнатсеварлик ва меҳнатга бўлган эҳтиёжни тарбиялаш каби ижтимоий-педагогик технологиялар мафкуравий харита асосида такомиллаштирилгани, ёшларни маънавий тарбиялашнинг методик талаблари асосида миллий ғоя руҳи сингдирилган тадбирларни ташкил этиш ҳамда тарбия жараёнини амалга оширишга қаратилган педагогик фаолият, таълим майдони, педагогнинг касбий маҳорати, таълим муассасаси тузилмаси каби компонентлар аниқлаштирилгани каби натижалар Республика маънавият ва маърифат маркази фаолиятида фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2022 йил 18 мартдаги 02/02/436-сон маълумотномаси). Мазкур дастурлар асосида туман ва шаҳарлар маънавият ва маърифат бўлинмалари фаолиятида ёшлар маърифатини юксалтиришнинг самарали технологияларини ташкил қилиш имконияти яратилган;

маънавий-маърифий ишларнинг педагогик (таъсирчан, ёрқин таассурот, қизиқтириш) ҳамда ижтимоий шартлар тизими (таълим муассасаларида қўшимча таълим соҳасига маънавий-ахлоқий мазмунни жорий этиш, жамоат бирлашмаларининг ёшлар билан ишлаши, таълим муассасаларининг маданият, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги) инфотейнмент моделлаштириш асосида такомиллаштирилганига оид натижадан Мактабгача таълим тизими фаолиятини ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2022 йил 15 февралдаги 03-03/417-сон маълумотномаси). Мазкур тадбирлар маънавий-маърифий ишларда ёшларни маънавий тарбиялаш тизими босқичларининг таъсирчанлигини ҳамда ёшларимизни маънавий таҳдидларга қарши курашнинг субъектларига айлантириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

маънавий-маърифий фаолиятни ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик йўналишлари (уйғунлик, тизимлилик, масъулият, мувофиқлаштириш) мазмунига устуворлик бериш, шунингдек, ёшлардаги ижтимоий фаоллик сифатини оширишга қаратилган маҳорат дарслари, ижодий семинарлар, ота-оналар конференциялари, мавзуга оид консултациялар, сайёр қабуллар, очик мулоқотлар ташкил этилиши орқали янада такомиллаштирилиши асослангани каби янгиликлардан Ёшлар агентлиги фаолиятида фойдаланилиб, 2022–2026

йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишлари, яъни “Инсон қадрини юксалтириш”, “Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш”, “Миллий иқтисодий жадал ривожлантириш”, “Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш”, “Маънавий тараққиётни таъминлаш”, “Миллий манфаатлар асосида умумбашарий муаммоларга ёндашиш”, “Мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш” каби Давлат дастурлари ва режалари доирасида олиб борилаган ишлар ҳамда ёшларни қўллаб-қувватлаш йўналишидаги маънавий-маърифий ва тарғибот тадбирларининг методологик асосларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2022 йил 17 февралдаги 4-13-23-413-сон маълумотномаси). Мазкур тадбирлар натижасида маънавий-маърифий ишларнинг педагогик шартлар тизими (таъсирчан, ёрқин таассурот, қизиқтириш) модуллаштириш асосида такомиллаштириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманда ҳамда 12 та республика кўрик-танловлари, ғоявий тарғибот акцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 номда илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 4 та мақоланинг 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, 9 параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 159 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблигига асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, ўрганиш объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Маънавий-маърифий ишларнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида муаммо назарий-методологик жиҳатдан тадқиқ қилиниб, унда мавзуга оид назарий асосларнинг ўрганилганлик даражаси саккиз гуруҳга ажратилган ҳолда ўрганилган.

Жамиятнинг маънавий юксалтириш, мустақиллигимиз асосларини шакллантириб бориш, Ўзбекистонни ривожлантиришга стратегик зарурат сифатида қараш ва миллий асосларга таяниш, жаҳоннинг илғор мамлакатлари

тажрибаларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда кечувчи изчил жараён ҳисобланади.

Ижтимоий педагогика, маънавиятшунослик, фалсафа, социология, ижтимоий-маданий соҳа олимлари ёшларнинг маънавий маданиятини шакллантиришнинг турли жиҳатларини тадқиқ этади. Мазкур тадқиқотлардан олинган хулосаларда маънавий ривожланиш энг аввало, ёшлар онгида соғлом турмуш тарзи, урф-одат, анъана ва миллий қадриятларга содиқлик, миллий ғурур руҳини шакллантиришга боғлиқлиги таъкидланади.

Ижтимоий педагогика бўйича соҳа олимлари тадқиқотларида давлатнинг маънавий меъёрий тизимини самарали ташкил этишда ёшларнинг маънавий маданиятини шакллантириш муҳим эканлиги асосланган. Ёшларнинг маънавий маданияти юксалиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш маънавий тарбия ва маънавий тарғибот ишларини такомиллаштириб боришни тақозо қилади. Ўрганилаётган муаммога бағишланган фалсафий тадқиқотлар шахс маънавий маданиятининг шаклланиши ёш йигит-қизларнинг ички маънавий ўзлигини англаш ва ривожлантиришга қаратилган фаолият турларини амалга оширишга бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда “Биз Янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, икки мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”⁸ эканлиги алоҳида таъкидланди.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев маънавият ва маърифат масалаларига бағишланган қарашларида биринчи бўлиб **“кучли маънавият”** деган иборани қўллади. “Кучли маънавият” тушунчаси “юксак маънавият”, “ёшлар маънавияти” ва “миллий маънавият” тушунчалари туркумини моҳият жиҳатидан янгилаб, “маънавият” тушунчасига динамик, яъни ўзгарувчанлик ва ўзгартирувчанлик функциялари очиб берди. Зеро ҳар қандай ижтимоий жараён ўзгарувчан моҳият касб этиши билан динамик хусусиятга этади. “Юксак маънавият”, “миллий маънавият”, “ёшлар маънавияти” ва маънавият тушунчасига нисбатан қўлланилган бошқа сифатлар статик, демографик, ижтимоий-маданий, яъни воқеликка нисбатан барқарор ҳолатни кўпроқ акс эттиради. Бу эса давр ўзгаришлари ва талабларига жавоб бермасдан статик ҳолда қолиши мумкин.

“Кучли маънавият” тушунчасини луғавий, ижтимоий педагогик таҳлил асосида ўрганадиган бўлсак, “кучли” сўзи жисмоний қобилиятли, куч-қуввати нисбатан кўп, бақувват; соғлом ва яхши ривожланган; катта қувватга эга бўлган, қувватли; бақувват, имконияти бор, қудратли; таъсир даражаси юқори, тез

⁸ “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2021 йил 19 январь.

таъсир қиладиган; юз бериш даражаси юқори, қаттиқ, шиддатли; ўз иш-хунарини яхши билувчи, қобилиятли, талантли; тўқ, юқори даражали⁹ деган маъноларни англатиши маълум бўлади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда маънавият ва маърифат соҳасини юксалтириш борасида қатор қарорлар қабул қилинди. Республика маънавият ва маърифат кенгашининг раиси Президент эканлиги белгилаб қўйилди. Кенгашнинг ҳудудий бўлимларига раислик ҳокимлар зиммасига юклатилди. Бу эса маънавий-маърифий ишларнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганини кўрсатади. Республика Президенти мамлакатимиз мафкурасининг асосий ғоясига таъриф бериб, “Биз яратаётган Янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётини тушунча ва қадриятларига асосланган”¹⁰, – деб таъкидлади.

Мамлакатимизда Республика Маънавият ва маърифат маркази ишини тубдан такомиллаштириш, “Маънавият тарғиботчиси” ўқув муассасаси негизида Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти фаолиятини йўлга қўйиш соҳани илмий тадқиқот ва тарғибот-ташвиқот йўналишида илмий асосда ташкил қилишни назарда тутди.

Кучли маънавиятни шакллантириш Ватанимиз тараққиётига ўзини дахлдор деб биладиган, Ватан ва халқ манфаатларини ўзининг манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, фидойи ва жонкуяр, мустақил онг ва тафаккурга ҳамда ўзининг фаол фуқаролик позициясига эга, маърифатли, юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш ва камолга етказиш нафақат шахс, балки ўсиб келаётган ҳар бир ёш авлоднинг маънавиятини, маърифатини ривожлантириш жамиятимиз ва давлатимизнинг энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шахс ўзининг кучли маънавияти билан жамият ва давлатнинг тараққиётига ҳисса қўша олади. Чунки “инсоннинг руҳий-маънавий ҳолати ва жамият ўртасидаги алоқадорлик, ўзаро акс таъсир мувозанати маънавият билан боғлиқ бўлиб, агар у бузилса, тартибсизликка олиб келиши айtilган”¹¹. Бундай глобал, шиддатли замонда жамият ва давлат инновацион тараққиёти даврида маънавиятнинг инновациялардан ортда қолиши зарурий синхронликнинг бузилишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган дастурнинг 4 ва 5-йўналишлари бу борада белгиланган мақсадларни амалга оширишда муҳим дастуруламал вазифалардан саналади.

⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Электрон шакли, А.Мадвалиев ва бошқалар таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. – 441 б.

¹⁰ “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2021 йил 19 январь.

¹¹ Раҳманов Б.У. Инсоннинг руҳий-маънавий ўз-ўзини ташкиллаштиришини фалсафий асослаш // Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2017. – Б. 13; Раҳманов Б.У. Инсоннинг руҳий-маънавий ўз-ўзини ташкиллаштиришини фалсафий асослаш//Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2017. – Б.13.

Маънавий-маърифий технологиялар ёшларнинг маънавий маданиятини шакллантириш, уларнинг ҳаётга ижтимоийлашувини самарали ташкил қилиш имкониятини беради. Бу ёшларнинг жамиятда ўз-ўзини намоён қилишида, муваффақиятларга эришишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Маънавий-маърифий ишлар турли шаклларда олиб борилади. Жумладан:

- илмий-амалий анжуманлар, савол-жавоб кечалари, китобхонлик, электрон ўйинлар, машҳур кишилар билан учрашувлар;
- ижтимоий тармоқларда форумлар, мессенжерлар;
- маъруза ўқиш, савол-жавоб кечалари, якка ва жамоавий суҳбатлар;
- жамиятда обрў қозонган, бой ҳаётий тажрибага эга нуронийлар ва фахрийлар, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида, турли мусобақа ва танловларда ғолибликни қўлга киритган шахслар билан учрашувлар;
- илмий-назарий ва амалий конференциялар, семинар-тренинглар;
 - ижтимоий-сиёсий, тарихий, санъат, маданий, бадий, мафкуравий, ҳуқуқий мавзуларга бағишланган кечалар, баҳс-мунозаралар, викториналар, давра суҳбатлари;
 - соҳага оид илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш;
 - Худуд, оила, маҳаллалар ва меҳнат жамоаларидаги маънавий-руҳий муҳитни ўрганиш;
 - телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, фильм ва мультфильмлар, бадий ва мусиқий асарлар, ОАВ, веб-сайтлар ва электрон ўйинлар, турли гаджетлар ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш;
 - давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, таълим муассасаларида аҳоли билан учрашувлар;
 - илмий, илмий-оммабоп, маънавий-маърифий мавзуларда монография, китоб, рисола, мақолалар, инфографикалар, слайдлар, электрон нашрлар чоп этиш ва бошқалар.

Республика Маънавият ва маърифат маркази – республикада маънавий-маърифий ишлар тизими фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва унинг мониторингини олиб боровчи асосий институтдир.

Тадқиқотнинг **“Маънавий-маърифий ишлар ва таълим-тарбия технологияларининг ижтимоий педагогик интеграцияси”** деб номланган иккинчи боби уч параграфдан ташкил топган бўлиб, маънавий-маърифий ишлар технологияларининг баркамол шахс тарбиясидаги асосий йўналишлари, маънавий-маърифий технологиялар орқали ёшларнинг маънавий маданиятини шакллантириш имкониятлари, маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги кўрсаткичларининг назарий асослари ҳамда ижтимоий педагогик жараёнлари илмий таҳлил қилинган.

Маънавий-маърифий ишлар ва таълим-тарбия технологияларининг ижтимоий педагогик интеграциясида ёшларда маънавий-ахлоқий тарбия, ақлий тарбия, ватанпарварлик тарбияси, ғоявий, иқтисодий, ҳуқуқий (фуқаролик), экологик тарбия, меҳнат тарбияси, миллатлараро тотувлик тарбияси, касбий тарбия, бадий-эстетик тарбия, оилавий тарбия ва бошқа кўринишларидан

самарали фойдаланиш жамият аъзоларидан юқори уюшқоқлик ва масъулиятни талаб этади.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мамлакатимизда инсон капиталини бойитишга қаратилган. Унда ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалалари¹² кўзда тутилган.

Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси тўрт босқичда амалга оширилиб, тўртинчи босқичда: ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ва банд бўлмаган, шунингдек, ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари тизимидаги талаб ёшларни қамраб олади.¹³

Концепцияда олий таълим тизимида алоҳида вазифалар белгиланган. Бунда олий таълим тизими ўз ўқув дастурлари ва маънавий-маърифий режалари асосида ўқувчи-ёшларнинг ёшига мос таянч маънавий-ахлоқий фазилатлар – Ватанга садоқат, тадбиркорлик, толерантлик, ҳуқуқий маданият, иродалилик, мафкуравий иммунитет, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварликни мақсадли ривожлантиришнинг якуний босқичи амалга оширилади.

Бу босқичда ёшларни маънавий-ахлоқий тамойиллар асосида тарбиялашда инобатга олиниши лозим бўлган ижтимоий-педагогик жиҳатлар белгиланган:

- ижтимоий-гуманитар фанлар, маънавий-маърифий тадбирлар орқали ёшларда маънавий тарбия индикаторлари ва компетенцияларини шакллантиришга хизмат қилувчи билим, кўникма ва малакаларни таълим-тарбия мазмунига сингдириш ва уларни амалиётда қўллай олиш имконини берувчи амалий машқ, топшириқ ва педагогик вазиятлар билан бойитиш;

- ёшларда замонавий билимларни эгаллаш, медиа маданиятни ривожлантириш, илғор педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш, хорижий давлатлардаги илғор тажрибаларни ўрганишни рағбатлантириш;

- касбий-маънавий кўникмаларни мустаҳкамлаш, ўзини ўзи тарбиялашга ўргатиш;

- фаол фуқаролик позициясини кучайтириш;

- илмий, маънавий-ахлоқий, сиёсий дунёқараш ва соғлом диний эътиқодни шакллантириш;

- бахтли оилавий ҳаёт, фарзанд тарбияси учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат. Шу билан бирга, “Фазилатли авлод” рукнида ўқувчи-ёшлар, мураббийлар, профессор-ўқитувчилар, ота-оналар, вазирлик ва идораларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича масъуллари учун ўқув-қўлланмалар, услубий тавсиялар, маърифий адабиётлар, медиа маҳсулотлар, илмий-методик қўлланмалар яратиш белгиланган.

Ушбу асосда мамлакатимизда узлуксиз маънавий тарбия Концепциясининг ҳаётга татбиқ қилиниб, ёшларнинг Ватанга садоқат, меҳр-оқибатлилик,

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрь куни “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1069-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/4676839>.

меҳнатсеварлик, мафкуравий иммунитетининг мустаҳкам бўлиши, руҳан ва жисмонан кучли шахс бўлиб камол топиши каби компетенциялари билан мустақил ҳаётга кириб боришлари учун зарур ижтимоий-педагогик шароитлар яратилади.

Ёшларнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари ҳамда тарбияланганлик даражаларини белгиловчи мезонларини ижтимоий-педагогик жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис тадқиқотимизда мавжуд ҳолатга яхлит баҳо беришни кафолатловчи кўрсаткичлар гуруҳи белгилаб олинди ва узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси талабларидан келиб чиқиб, маънавий-ахлоқий фазилатнинг шаклланганлик даражасини белгиловчи кўрсаткичлар гуруҳи (1-жадвал) ишлаб чиқилди:


1-жадвал

Муайян маънавий-ахлоқий фазилатнинг шаклланганлик даражалари таснифи

Юқори даража	Ўрта даража	Қуйи даража
Етарли даражада тушунчаларга эга	Қисман тушунчаларга эга	Тушунчаларга эга эмас
Билимларни тўлиқ ўзлаштирган, уларни амалиётда эркин қўллай олади	Қисман билимларга эга, муайян вазиятларда уларни қўллай олади	Мавжуд билимларни амалиётда қўллай олмайди ёки билимларга эга эмас
Ўз позициясини ҳимоя қила олади	Ўз позициясини қисман ҳимоя қила олади	Ўз позициясини ҳимоя қила олмайди
Салбий ҳолатларга қарши фаол кураша олади	Салбий ҳолатларга қарши курашишда етарли даражада фаоллик кўрсатмайди	Салбий ҳолатларга қарши кураша олмайди

Мамлакатимизнинг ҳозирги ва келгуси тараққиёти халқимизда, айниқса, ёшларимизда миллий мустақилликни мустаҳкамлашга қодир, ҳар қандай бузғунчи ғояни ғоя билан енга олувчи эътиқоднинг шаклланганлигига боғлиқ. Бу эса ғурурли, ватанпарвар, давлатлараро, миллатлараро дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилишга қодир, сўзи билан амали бир, миллий истиқлол гоёсини чуқур ўзлаштирган инсонлар – ёшларга боғлиқ. Бундай фазилат эгаларини тарбиялаш ижтимоий педагогик масала сифатида ўрганилиши ва тажриба-тадқиқот ишларида синаб кўриб, жорий қилиниши давлат ва жамият қурилиши нуктаи назаридан ўзига хос аҳамият касб этади.

Юқоридаги назарий ва услубий таҳлиллар натижаларидан келиб чиқиб, маънавий-маърифий тадбирлар орқали ёшларни маънавий тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик технологияси ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Маънавий-маърифий тадбирлар орқали ёшларни маънавий тарбиялашнинг ижтимоий педагогик технологияси

Ёшларнинг маънавий маданиятини тадбир технологиялари воситалари орқали шакллантириш маънавий-маърифий фаолият мақсади сифатида белгиланди¹⁴. Ушбу мақсадга эришиш учун биз куйидаги ижтимоий педагогик фаолият вазифаларини аниқладик:

¹⁴ Соловьёв Н.Н. Социально культурная деятельность как средство формирования правовой культуры молодёжи. Дис... кан.пед.наук.13.00.05. / Соловьёв Николай Николаевич. – Тамбов. – С. 87.

1. Маънавият соҳасидаги билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш.
2. Ўзлаштирилган билимлардан фойдаланиш ва ўз ҳаёт фаолияти давомида ўз маънавиятларини ҳимоя қилиш.

3. Ўз хатти-ҳаракатларига нисбатан маънавий масъулиятни кучайтириш.

4. Қонун ва маънавиятга нисбатан ижобий муносабатни шакллантирувчи мустаҳкам маънавий меъёр ва тамойилларни ишлаб чиқиш.

5. Ёшларнинг ижтимоий-маънавий фаоллигини ошириш.

“Ғоявий баркамол ёшлар модели”ни самарали татбиқ қилиш маънавий таҳдидларга қарши курашнинг субъектлари сифатида мужассамлашган ёшларнинг маънавий маданиятини шакллантиришга қаратилган ижтимоий маданий фаолиятдаги тадбир технологияларининг метод, восита ва шакллари мазмунини белгиловчи меъёр сифатида қабул қилинган тамойилларга асосланади. Ушбу тамойилларга қуйидагилар киради:

1. Инсонпарварлик тамойили.

2. Ёш ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш тамойили.

3. Педагогик мақсадга мувофиқлик тамойили.

4. Инвариантлик тамойили.

5. Ўзини намоён этиш тамойили.

6. Тизимлилик тамойили.

7. Қизиқишларнинг алоқадорлиги тамойили.

8. Жамоавийлик тамойили.

9. Ҳаёт билан боғлиқлик тамойили.

10. Илмийлик тамойили¹⁵.

Ижтимоий педагогик технологияларни ёшларнинг маънавий маданиятни шакллантиришда қўлланиши муайян ижтимоий-маданий шароитни ҳисобга олгандагина юз беради. Булар:

– шахснинг бўш пайтини фаол ташкил этиш орқали мақсадли ва мунтазам таъсир этиш;

– ижтимоий педагогик фаолиятда тадбир технологияларининг қўлланиши;

– ёшларнинг маънавий маданиятини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилган модель асосида педагогик фаолиятни ташкил этиш;

– маънавий билим ва таълим жараёни ривожига таъсир этувчи ижобий ижтимоий-психологик муҳитни яратиш;

– ишлаб чиқилган танқидий аппарат ёрдамида ёшларнинг маънавий маданиятини шакллантириш, тадбир технологиялари асосида ижтимоий-маданий фаолиятдаги педагогик фаолиятнинг самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўзбекистонда маънавий-маърифий фаолиятни такомиллаштириш йўллари”** деб номланиб, унда “Ҳудудлардаги маънавий-маърифий муҳит харитаси” технологияси асосида ўтказилган тажриба-синов натижалари маънавий-маърифий тадбир технологияларининг функционал-педагогик имкониятларини ошириш ва тарғибот ташвиқот ишларида мақсадлилиқ, манзиллилиқ, натижадорликни таъминлашнинг ижтимоий педагогик масалалари ва ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари баён қилинган.

¹⁵ Соловьёв Н.Н. Социально культурная деятельность как средство формирования правовой культуры молодёжи. Дис. ...канд.пед.наук.13.00.05. – Тамбов. – С. 87.

Ёшларга қаратилган маънавий-маърифий фаолиятни такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган ролли ўйинлар мавзуларининг тез-тез янгилаб борилиши уларнинг ёшларни жалб этиш хусусиятларини ошира боради. Бу ёшларнинг мафкуравий билимларни онгли равишда тушунишига олиб келади. Ушбу ўйинлар уларнинг қизиқиб ўйнайдиган, кундалик ўйинларига айланиб қолади. Мазкур ролли ўйинлар мураббийлик соатларида машғулотлар шаклида ўтказилганда, айниқса, ёшлар учун юқори самара беради.

Ўтказилган тажриба тадқиқот ишларини таҳлил қилиш ўзгарувчан миқдорнинг ўзаро муносабатини аниқлаш асосини беради. Мазкур тажриба тадқиқот натижалари дастлабки жараённинг бошида ва сўнгги, яъни жараённинг охирида ёшларнинг тарбияланганлик даражалари сон ва сифат миқдорларида ўзгаришлар илмий асосланди.

Маънавий-маърифий тадбирлар технологияларининг функционал-педагогик имкониятларидан фойдаланиш, уни муваффақиятли қўллаш деталларни моделлаштиришга боғлиқ. Бунда моделлаштириш долзарб, аниқ, потенциал, шунингдек, воқеа-ҳодисаларни комплекс ҳолда таҳлил этиш ва мумкин бўлган концептуал-методик объектларни лойиҳалаштириш имконини беради.

Оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, чекка ҳудудлар ва маҳаллаларда уюлмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларнинг юзаки тарзда олиб борилаётгани, жиноятчилик, диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий қадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларининг аксарият ҳолларда кутилган натижани бермаётгани бу масалаларга жиддий эътиборни талаб этмоқда¹⁶. Мазкур кўрсатмадан келиб чиқиб, тадқиқот жараёнида Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан “Ҳудудлардаги маънавий-маърифий муҳит харитаси” ишлаб чиқилди ва Республикаимизнинг 14 та туман ва шаҳарларида ижтимоий педагогик тадқиқотлар ўтказилди.

Тадқиқотлар мақсади сифатида:

- ҳудудлар (туман, шаҳар) кесимида аҳоли, айниқса, ёшлар онги ва қалбига салбий таъсир кўрсатаётган, миллий ва умуминсоний маънавий мезонларга зид бўлган ички ва ташқи таҳдидларнинг тури, мақсади, мазмуни ва таъсири ҳақида маълумотларни тўплаш ва визуаллаштириш;

- таҳдидларнинг олдини олиш, таъсирсизлантириш ва бартараф этишга қаратилган таҳлиллар, халқаро тажриба ва илмий хулосаларга таянган “Йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш;

- мамлакатимизда маънавий-маърифий муҳитнинг тизимли мониторингини амалга ошириш;

- ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашнинг инновацион методларини ишлаб чиқиш белгиланди.

Вазифалар:

- маънавий-маърифий ишлар самарадорлигининг илмий асосланган мониторингини таъминлаш;

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160 сонли қарори // <https://lex.uz/docs/4071203>.

– миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган маънавий таҳдидларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини кўрсатиш;

– ҳудудларда аниқланган натижалар асосида “Маърифат” тарғибот жамиятининг мақсадли ва манзилли тарғибот ишларини режалаштириш;

– халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизни маънавий қарам этишга қаратилган мафкуравий хатарларга қарши мустаҳкам мафкуравий иммунитет шакллантириш хусусиятига эга бўлган илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиш амалга оширилди.

Қайд қилувчи тажриба-синов ишлари таҳлиллари асосида қуйидагилар аниқланди:

“Ҳудудларда маънавий-маърифий муҳит харитасини” шакллантириш тадқиқот ишларида Республика маънавият ва маърифат марка-зидан бириктирилган 28 нафар масъуллар жалб этилди. Улар томонидан “Хонадоннинг маънавий-маърифий муҳит” сўровномаси ҳамда суҳбат, кузатиш ва контент анализ каби ижтимоий педагогик методлардан фойдаланилди;

олиб борилган тадқиқот ишлари натижаларига кўра ҳудудларда айти пайтда маънавий-маърифий муҳит қониқарли эмас. Чунки тадқиқот натижалари ҳудудларда аҳолининг турли қатлам вақллари ички ва ташқи таҳдидлар келтириши мумкин бўлган бузғунчилик ва вайронкорлик оқибатларидан етарлича огоҳ эмаслигини кўрсатди;

аҳолининг турли қатлам вакиллари ўзининг миллий қадриятлар тизими, кийиниш маданияти, китобхонликка бўлган муносабати, дунёда бўлаётган жараёнларга ҳамда олиб борилаётган ислохотларга нисбатан лоқайдлиги, матбуот воситаларини ўқимаслиги юқоридаги фикрларимизни асослайди;

жойларда олиб борилган маънавий-маърифий тадбирларда сифат ва натижадорлик хусусиятлари, мақсадлилиқ ва манзиллилиқ омиллари инобатга олинмагани туфайли тадбирлардан кўзланган ижтимоий-педагогик мақсадга эришиш кийин бўлмоқда;

ҳудудларда маънавий-маърифий тадбирлар, мафкуравий-маънавий профилактика ишлари талаб ва таклиф қонунига асосланмаган ҳолда ўтказилиш ҳоллари мавжуд;

маънавий профилактик ишларни олиб боришда шахс ҳамда ижтимоий гуруҳ омили, аҳолининг ёш ва психологик хусусиятлари инобатга олинмасдан ташкиллаштирилгани оқибатида тадбирларнинг натижадорлик коэффиценти паст бўлмоқда;

